

---

## Бир неча тадбиркорларнинг мурожаатлари жойида ҳал этилди

Риштон тумани “Навоий” МФЙда туман ҳокими ва сектор раҳбарларининг тадбиркорлар билан қабули бўлди.

Савдо Саноат Палатаси туман бўлими томонидан ташкилланган қабулда туман ҳокими тадбиркор ва ишбилармонларни қабул қилиб таклиф ва мурожаатларини тинглади.

Очиқ мулоқотда бир неча тадбиркорлар ва ҳоким ёрдамчилари иштирок этишди. Туман раҳбари уларнинг мурожаатларини атрофлича ўрганиб, масалалар ечими бўйича мутасаддилар билан ҳал этилди.

Тадбиркорлар томонидан янги лойиҳалар ҳам таклиф этилди. Уларнинг истиқболли лойиҳалари туман ҳокими томонидан қўллаб-қувватланди.

Бир неча тадбиркорларнинг мурожаатлари жойида ҳал этилди, маълум бир вақт талаб этадиган масалалар юзасидан тегишли мутасаддиларга бириктирилиб ижроси назоратга олинди.

2022-04-16 15:16:28